

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Марғилон шаҳри

2023 йил 28 март

4-1504-2301/982-сонли иш

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг раиси А.Ақбаров раислигида, судья ёрдамчиси С.Шавкатовнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлар вакиллари иштирокисиз, даъвогар [REDACTED]нинг жавобгар [REDACTED]дан 40996053 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган иқтисодий ишни суд биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар [REDACTED] судга даъво аризаси билан мурожаат этиб жавобгар [REDACTED]дан 27466053 сўм асосий қарз, 13500000 сўм пеня ва 30000 сўм почта ҳаражати ундиришни сўраган.

Тарафлар вакиллари тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада суд мажлисида иштирок этмади.

Даъвогар ишни унинг иштирокисиз кўриш ҳақида ариза билан мурожаат этган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда – Иқтисодий процессуал кодекси) 170-моддасининг учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда – Фуқаролик кодекси деб юритилади)нинг 474-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади.

Фуқаролик кодексининг 238-моддасида, мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари”нинг 127-бандига кўра, электр энергияси истеъмолчилари фойдаланган электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлашга мажбурдирлар.

Жавобгар тўловларни ўз вақтда амалга оширмагани оқибатида уни 2023 йил 1 февраль ҳолатига электр энергияси истеъмолидан даъвогар олдида 27466053 сўм қарздорлиги вужудга келган.

Даъвогар томонидан қарздорликни ихтиёрий тўлаш юзасидан жавобгарга талабнома юборилган. Талабнома оқибатсиз қолдирилиб, шу кунгача қарздорлик тўлиқ тўланмасдан шартнома мажбуриятлари бажарилмай келинган.



Ушбу қарздорлик суммаси ишдаги ҳужжатлар ҳамда даъвогар вакилини суд мажлисидаги кўргазмаси билан ўз тасдиғини топади.

Даъвогар томонидан судга берилган маълумотга кўра жавобгар томонидан 16 500 000 сўм тўланганлиги маълум қилинган.

Бу ҳолатда суд, даъвонинг асосий қарз ундиришни талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Фуқаролик кодексининг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”нинг 113-бандига кўра, маиший истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

Шунга кўра, даъвогар 13500000 сўм пеня ҳисоблаб, жавобгардан ундиришни сўраган. Пенянинг ҳисоб-китоби судга тақдим этилди.

Фуқаролик кодексининг 326-моддасига мувофиқ, суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Бу ҳолатда суд, даъвогарнинг пеня ундириш талабини асосли деб ҳисоблаб, тарафларнинг ўз мажбуриятларини қай даражада бажарганлиги, даъвогар томонидан қарздорликни ўз вақтида ундириш чоралари кўрилмаганлиги пеня миқдорининг ошишига олиб келганлигини инобатга олиб, талаб қилинган пеня миқдорини 2 025 000 сўмга қадар камайтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра суд, даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантириб, жавобгар [REDACTED] дан даъвогар [REDACTED] фойдасига 10 966 053 сўм асосий қарз, 2 025 000 сўм пеня ва 30000 сўм почта харажати ундиришни, жавобгардан республика бюджетига 819 321,06 сўм давлат божини ундиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Юқоридагиларда асосланиб суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236, 468,474-моддаларини, Иқтисодий процессуал кодесининг 118, 176-179 моддаларини қўллаб,

### Қ А Р О Р   Қ И Л Д И:

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар [REDACTED] фойдасига жавобгар [REDACTED] дан 10 966 053 сўм асосий қарз, 2 025 000 сўм пеня ва 30000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан республика бюджетига 819 321,06 сўм давлат божи ундирилсин.



*Ҳал қилув қарори устидан устидан бир ой муддат ичида шу суд орқали Фаргона вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.*

Раислик этувчи

А.Ақбаров

Ҳужжат имзолаган: Ақбаров Азизбек Авазбекович, 27.11.2023

